

## ТАРЖИМАДА ПРАГМАТИК МУАММОЛАР ҲАМДА ТАРЖИМА ПРАГМАТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нишонов П.П.  
ЎзДЖТУ доценти.

**Аннотация:** Семиотика белгиларининг ўқишига қаратилганидек, ҳар бир белги, шу жумладан, тилда бўлган белгилар уч томондан кўрилиши керак: синтаксис, яни белгилар орасидаги муносабатлар; семантика, яни белги ва ҳақиқий ҳолат орасидаги муносабат; ва прагматика, яни белги ва унинг фойдаланувчилари орасидаги муносабатдир. Мазкур мақолада прагматика тушунчаси ва таржиманинг прагматик муаммолари хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** прагматика, синтаксис, семиотика, белгилар тизими, таржима, семантика.

**Аннотация:** Согласно изучению семиотических знаков, каждый знак, в том числе знаки в языке, необходимо рассматривать с трех сторон: синтаксиса, то есть отношения между знаками; семантика, т. е. связь между знаком и реальной ситуацией; и прагматика, то есть отношения между знаком и его пользователями. В данной статье рассматривается понятие прагматики и прагматические проблемы перевода.

**Ключевые слова:** прагматика, синтаксис, семиотика, знаковая система, перевод, семантика.

**Abstract:** According to the study of semiotic signs, each sign, including the signs in language, must be seen from three sides: syntax, that is, the relationship between signs; semantics, that is, the relationship between the sign and the actual situation; and pragmatics, which is the relationship between a sign and its users. This article discusses the concept of pragmatics and pragmatic problems of translation.

**Keywords:** pragmatics, syntax, semiotics, sign system, translation, semantics.

Ҳаммамизга маълумки, прагматика сўзи юнонча сўздан олинган бўлиб, прагматос — иш, ҳаракат деган маънони англатиб, ҳозирги кунда семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси ҳисобланади. Прагматика ҳозирги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб, муайян белгилар тизимини англатадиган, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айти шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғидир.

Прагматика ҳақидаги асосий ғоя америкалик олим Ч. Пирс томонидан ўртага ташланган ва яна бир америкалик олим Ч. Моррис ушбу ғояни ривожлантирган. Ҳозирги кунга қадар мазкур олимларнинг тадқиқотлари, илмий изланишлари асосида прагматика терминини семиотика бўлимларидан бирининг номи сифатида амалиётга киритган.

Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида камраб олувчи нутқ жараёни ҳисобланади ҳамда у муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Олимлар, тадқиқотчиларнинг фикрича, лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас, яъни унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро

муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради. Масалан, нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда қуйидаги масалалар ўрганилади:

1. баённинг ошқора ва яширин мақсадлари бўлиб, бунга бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўрок, буйруқ, илтимос, маслаҳат ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва бошқаларни мисол қила оламиз;
2. нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари бўлиб, бу жараёнга суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади кабиларни киритишимиз мумкин;
3. сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, яъни бунга дунёқараши, қизиқишлари ва бошқа ҳислатларига баҳо берилиши кабиларни ифодалаш мумкин.

Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқага кирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам кўплаб масалалар ўрганилади. Прагматика нафақат тилшуносликда, балки прагматик ғоялар эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, информацион-қидирув тизимлари ва бошқаларни ишлаб чиқишда қўлланади.

Шуни гувоҳи бўлдики, таржима лингвистика, маданиятшунослик, қиёсий этимология, информатика, қиёсий социология ва бошқа шу каби турли хил фанлар билан узвий боғлиқ фандир. Айниқса унинг тилшунослик билан алоқаси беқиёсдир. Ҳақиқатда ҳам таржиманинг тилшунослик билан чамбарчас боғлиқлиги баъзиларни таржима борасидаги нотўғри баҳс-мунозараларга, масалан, уни тилшуносликнинг бир қисми деб талқин этишга олиб келган. Бундай фикр тарафдорлари таржимани амалий ёки қиёсий тилшуносликнинг бир қисми деб ҳисоблашади. Структуралистлар таъсири остидаги бу қараш тарафдорлари тилшунослар томонидан келтириладиган контекстдан ташқари мисолларга мос келмайдиган мулоқотнинг ролини рад этишга уринадилар.

Ҳар бир таржима таржима жараёнида маъно касб этувчи гаплар ва тағмаънога эга сўзлар сифатида икки босқичдан ўтади. Шундай бўлсада токи нутқ фаолиятининг маданиятлараро шакли мавжуд эмас экан таржимон учун таржиманинг прагматик муаммолари ҳам мавжуд бўлади.

Шунга кўра таржимон маълумотни таржимада ҳеч қандай хатоликсиз тўғри етказиб бериш учун умуммаданий прогматик билимларидан фойдаланишига тўғри келади. Нутқ ҳодисаси ва эмоционал таъсирни яқиндан ўрганиш табиийки, таржиманинг бир нечта назарияларини келтириб чиқаради, айниқса эквивалент таъсир ёки ҳаракат принципига ва бошқа тилда қандай бўлса шундай айтиш кераклигини таъкидловчи нотўғри талқинга асосланган динамик эквивалентлик. Ҳар иккала назария ҳам нутқ фаолияти ва ҳодисаси маданиятлараро фарқ қилишини тан олган ҳолда таржимонларни маданиятлараро прогматик мувоффақиятга эришишга ундайди.

Аммо таржимада прагматик эквивалентликка эришишда аслиятдаги матн тилининг семантик хусусиятлари, сўзларнинг маънолари, уларнинг қўлланилиши ва бошқа сўзлар билан боғланишибир қанча тўқинликларни келтириб чиқаради.

Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан монанд тарзда яратилишининг бирдан-бир шarti таржимоннинг ўз тилида аслий монанд лисоний воситалар танлаб ишлата олишидир. Бу маъсулият унинг зиммасига аввало аслият маъно вазифасини бекаму-қўст адо этиш, сўнгра хотирасида шакланган фикрни ўз тили маданияти ва меъёри асосида тўла-тўқис ифода этиш вазифасини юклайди.

Таржима, ўзининг ички табиати ва хусусиятига кўра, шубҳасиз, кўплаб соҳаларнинг бир қисмини ифода этади. Шундай соҳалардан бири прагматикадир. Таржима ва прагматика ўртасидаги алоқа англашилмас даражада намоён бўлиши мумкин, аммо бу икки соҳани яқиндан ўрганиш уларнинг аҳамиятли томонларини намоён қилади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилиб келаётган тилнинг прагматик жиҳатлари таржимондан чуқур лингвистик билимдан ташқари яна кўпгина бошқа фанлар, маданиятлар маълумотларидан ҳам хабардор бўлишни талаб қилади. Таржимада прагматик воситалардан ўринли фойдаланиш эса аслиятда ифодаланган зарурий маънони тўла-тўқис етказиб беришга хизмат қилади.

Таржиманинг прагматик муаммолари аслиятнинг жанрига ва у мўлжалланган ўқувчилар гуруҳларига ҳам боғлиқ. Аслиятнинг прагматик салоҳиятини сақлаш бадий асарлар таржимасида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумки, ҳар қандай бадий асар, биринчи навбатда, шу асар ёзилган тилда сўзлашувчи китобхонлар оммасига мўлжалланади. Шу сабабли уларда айнан шу халққа мансуб бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший турмуш тарзи, анъана, кийим-кечакка, таом ва шу кабиларга оид воқеа-ходисалар баён қилинади. Таржимон бундай асарни таржима қилишга киришар экан, аслият ва таржима тилидаги прагматик номувофикликларни ҳисобга олиб, тегишли ўринларда матннинг тўла тушунилишига эришиши учун зарур ўзгартишлар киритишга мажбур бўлади.

Илмий-техникавий адабиётлар таржимасида прагматик ўзгартишлар қилиш зарурати камроқ. Чунки бундай матнлар шу соҳа буйича махсус билимларга, бир хил микдордаги тағ билимларга эга тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган бўлади. Бундай ахборот ҳар иккала тил мутахассислари учун умумий махсус сўз ва атамалардан иборат бўлиб, фақат фирма номлари, ўлчов бирликлари ва махсус номенклатура номларнигина изоҳлашга тўғри келади.

Шу маънода, хорижий истеъмолчилар учун мўлжалланган рекламага оид ахборотларнинг прагматик аспекти ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Бу хил матн муаллифлари, биринчи навбатда, матнни хорижий истеъмолчининг билим савияси, тили, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш юритишлари лозим. Бундай ҳолатларда таржимоннинг иши анча осонлашади, чунки ахборот мазмунини тўлиқ тушунтириш учун унчалик машаққат чекмайди. Шундай бўлса-да, айрим ҳолларда матннинг прагматик имкониятини таржимада қайта тиклаш анча мушкул кечади. Чунки таржимон ҳар қандай ҳолатда ҳам, энг аввало, хорижий ахборотни ўз халқига тушунарли тилда таржима қилишга, унга маълум микдорда ўзгартишлар киритиш, умумлаштириш, қисқартиришга мажбур бўлади.

Таржиманинг прагматик мувофиқлигини таъминлашда тилнинг турли лаҳжаларида сўзловчи, бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-лисоний омиллар ҳам муҳим рол уйнайди. Жумладан, аслият матнда тил меъёрларидан чекиниш, диалектларга хос сўзлардан стилистик мақсадларда фойдаланиш ва ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради.

Аслият тилидаги шевага хос сўзлар таржима тилига ўзича таржима қилинмайди. Уларнинг матн ичида ишлатилиши икки томонлама характерга эга. Бир томондан, бадий асар бошдан оёқ хорижнинг муайян бир тилида ёзилган булиши мумкин. Бунда диалект тили таржима қилинса, тиллараро алоқа воситаси вазифасини бажаришга киришади ва таржима худди ҳар қандай умуммиллий тилдан амалга оширилган ҳисобланади. Табиийки, бундай ҳолда таржимон шева тилининг ўзига хос хусусиятларидан хабардор бўлиши лозим.

Иккинчи томондан, шевага хос унсурлар муаллиф томонидан алоҳида персонажлар тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг маълум бир ҳудудда яшовчи халқнинг типик вакили эканлигини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Бундай ҳолатда аслият тилининг шеваларга хос прагматик хусусиятларини таржимада қайта тиклаш ҳеч қандай натижа бермайди

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kipchakova, Y. (2021). Methodological And Didactic Aspects Of Information And Intellectual Culture In The Education Of A Developed Generation. Экономика И Социум, (6-1), 156-159.
2. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). Innovative Technologies In Modern Education. Теория И Практика Современной Науки, (5), 29-31. 3.
3. Kipchakova, Y., Abduxamidova, M., & Rahmonaliyeva, M. The Impact of Innovative Technologies In Improving Student Knowledge. Студенческий Вестник Учредители: Общество С Ограниченной Ответственностью" Интернаука", 37-38.
4. Қипчақова, Ё., Махмудова, М., & Умарова, З. (2021). Мактабгача Ёшдаги Болалар Мехнатининг Ўзига Хос Хусусияти. Студенческий Вестник, (22-7), 9-10.
5. Қипчақова, Ё., Соибжонова, Ш., & Абдуқаюмова, С. (2021). Мактабгача Таълим Жараёнида Соғлом Турмуш Тарзини Шакллантиришнинг Аҳамияти. Студенческий Вестник, (22-7), 11-12.
6. Sadullaeva N., Saraeva D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 452-459.
7. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
8. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3008-3020.
9. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.
10. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
11. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – Т. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.
12. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
13. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
14. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
15. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek

- Phraseology." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
16. Ithomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions." American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
17. Ithomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing "Historical Memory" In Uzbek and French Languages." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
18. Ithomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2.11 (2023): 490-492.
19. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
20. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." *Academic research in educational sciences* 3.5 (2022): 1176-1182.